

# НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!


# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2013 йил – Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 20-MART, CHORSHANBA, 35 (8116)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


# БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёмини “Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!” деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

“Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?”, деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, қут-барака ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни – бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланиб кетган қадриятлар – бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга – менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

“Обод турмуш” деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш заҳридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчаклардек бошига яшил гулчамбар тақади. Қиру адирларда майсалар бўй чўзади. Мусаффо осмон узра чарақлаб чиққан қуёш кўнгилларни-да ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, ўйинқароқ болакайлар, баҳордек латофатли қиз-жувонлар, оташқалб йигитлар Наврўз сайлига ошиқади...

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак бу манзилларга ободлик ва фаровонлик белгиси – обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари – ям-яшил боғлар, бепоён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркам этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Байрам кунларида серғайрат ёшлар, қўли очиқ тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҚУЁШДАН НУР – БАРЧАГА ҲУЗУР

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2013 ЙИЛ 1 МАРТДАГИ «МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ. ЗЕРО, МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ НАФАҚАТ ТЕЖАМКОР, ҚУЛАЙ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ ҲАМДИР**



Сўнгги йилларда табиий ёқилғи сарфининг ортиб, энергетика захираларининг камайиб бораётганлиги қайта тикланувчи энергия манбаларини излаш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияни жорий этишга алоҳида эътибор берилаётир. Негаки, бу ҳам иқтисодий барқарорликка, ҳам атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиришга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўплаб турларини жорий қилиш имконияти мавжуд. Шу ўринда вилоятда фотоэлектрик станциялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилаётганини айтиш жоиз. Буни маҳаллий жамғарма бўлимининг кейинги 3 йиллик дастурида қуёш батареяларини ўрнатиш тадбирларига алоҳида эътибор берилаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Ҳозирда чекка туманлардаги қишлоқ врачлик пунктларини қуёш батареялари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Қамаши туманидаги “Туқбой”, Чироқчи туманидаги “Бешчашма”, “Ўзбекистон”, Қарши туманидаги “Ҳилол”, Деҳқонобод туманидаги “Бошчорбоғ” қишлоқ врачлик пунктлари, Миришкор туман марказий шифохонаси, Яккабоғ туманидаги вилоят болалар ревматология санаторийси, Қарши туманидаги “Норбой қизи Кумуш”, Яккабоғ туманидаги “Эрназаров Санжар Фарҳодович”, “Мейлиқул ўғли Нурбек” фермер хўжаликларига қуёш батареялари ўрнатилди. Фотоэлектрик станцияларининг қулайлиги шундаки, қишлоқ врачлик пункларида тиббий асбоб-анжомларни узлуксиз ишлатиш ва даволаш муолажа ишларини бир маромида давом эттириш имкони яратилади. Хоналар электр ёриткичлар орқали ёритиб турилади. Эътиборлиси, қуёш бўлмаган кунларда ҳам аккумулятор электр қувватини ушлаб туради ва ёруғлик етказиб бера олади.

Қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи ускуна фермер хўжаликларида, айниқса, сув таъминотини яхшилашда қўл келаётганини айтиш керак. Ускуна ёрдамида катта майдонлардаги ерларни суғориш имкони яратилади. Муҳими, ортиқча энергиядан ижтимоий эҳтиёжда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин.

Дарҳақиқат, айни пайтда иқтисодиётнинг барча тармоқларида муқобил энергия манбаларини жорий қилиш замон талабидир. Қайта тикланувчи энергия манбалари иқтисодиётда энергия таъминотини яхшилашга, қишлоқ ва чекка ҳудудларда электр энергиясига бўлган эҳтиёжни яхшилашга, энг муҳими, зарарли газ ташланмаларини қисқартириб, атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга эришилади.

**Раим НАСРУЛЛАЕВ,**
*Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи.*

## ФАОЛИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА КАФОЛАТ

### «ЎЗБЕКИНВЕСТ» КОМПАНИЯСИ СИФАТЛИ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНМОҚДА

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар суғурта бозорининг ҳам барқарор ўсишига замин яратмоқда.**

Бу жараёнда Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Натижада суғурта хизматига аҳолининг ишончи ортиб бормоқда. Буни “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили “Ўзбекинвест” компанияси томонидан суғурта бўлинмалари ва агентлик тармоқлари ишини янада такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, компания ўз фаолиятига мижозларни кенгроқ жалб қилиш ва уларнинг ишончини оқлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада 2012 йилда компания томонидан тўланган суғурта товонлари миқдори 6,4 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 1,2 бароборга ўсди. 2012 йилда суғурта мукофотлари ҳажми 1,2, суғурта мажбуриятлари эса 1,3 бароборга ошди.

Шу билан бирга, республикамиз бўйлаб аҳолининг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида туман ва қишлоқларда жойлашган аҳоли пунктларида ҳам компания бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2012 йилнинг ўзида 8 та янги суғурта бўлинмаси очилди. Ҳозирда ҳудудий агентлар сони 1043 нафарни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,5 бароборга ўсди.

Компания томонидан ҳам “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер хўжаликларига суғурта хизматлари сифатини ошириш, қишлоқ жойларда суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш, республикамизнинг барча ҳудудларида компания филиаллари ишини янада такомиллаштириш ҳамда янги суғурта бўлинмаларини очиш, агентлик тармоғини янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга жиддий эътибор қаратилади.

**Акбар ЭЛМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топган бундай ҳамжиҳатлик муҳити Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

...Саҳнага – майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулгуга тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ ҳаётини тараннум этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Бу Франциядаги "Инссад" халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади. Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган "Бунёдкор" спорт комплекси мамлакатимиз спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг "Fair Play" (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланганиi Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназзулни кўриб, ушбу нақл ҳикматини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар айтамиз.

Тинчлик барқарор юртда қут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиланиш – нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг "МАН" компанияси билан ҳамкорликда юк автомобили ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

– Ўзбекистонда баҳор байрами – Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнунман, – дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. – Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланадиган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

– Наврўз – ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, – дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. – Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини катта қувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Наврўз байрамини хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан кутиб олиш ва ўтказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Бу кунларда халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, кураш, мерганлик, қўчқор ва хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим, кўксомса каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

"Art Week Style.uz – 2012" санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиенналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонладик.

Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётидан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

– Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, – дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилабиби Худойназарова. – Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шарти сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак – минг дардга даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Қўни-қўшни, маҳалла-кўйга тарқатади. Бу танларга қувват, руҳга тиниқлик бағишлайди. Ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интилишларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар "Сумалак" қўшиғини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, севги ва вафо тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «ТАШАББУС»НИНГ ҚАНОТИ КЕНГ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ҲУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАР БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** Бухоро шаҳридаги "Ҳумо" спорт мажмуасида бўлиб ўтган "Ташаббус–2013" кўрик-танловининг вилоят босқичида юзга яқин фермер, тадбиркор, ҳунармандлар иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги фермер, тадбиркор ва ҳунармандлар фаолиятида қайд этишга арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури, салмоғи кўп бўлиши баробарида сифат даражаси ҳам юқоридир.

Танлов якунига кўра, Олот туманидаги "Байрам Ҳайдар" фермер хўжалиги раҳбари Беҳзод Ҳайдаров "Энг яхши фермер", Жондор туманидаги "Жондор чашмаси" МЧЖ раҳбари Мамлакат Тошева "Энг яхши тадбиркор", зардўз Маҳфуза Салимова эса "Энг яхши ҳунарманд" деб эътироф этилди ҳамда танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Улар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

**Ҳамроз АЛИ**

* * *

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли мусиқали драма театрида "Ташаббус–2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди. Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган фермер, тадбиркор ва ҳунармандлар беллашдилар.

Иштирокчилар томонидан кўргазмага қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат ва ҳунармандчилик буюмлари шу қадар сифатли, турли-туман, бежирим, мукаммал эдики, таққосласангиз, ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқарилганидан асло қолишмас, ҳатто хориж маҳсулот ва товарлари билан рақобатлашгудай намунали эди.

Барча ташаббускор-иштирокчиларнинг маҳсулотлари кўздан кечирилгач, ҳайъат аъзолари маълум қарорга келдилар. Уларнинг хулосаларига кўра, танловнинг "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича биринчи ўрин Жиззах шаҳридаги "Евроазия карпит" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Мансуровга, "Энг яхши фермер" йўналишида Зарбдор туманидаги "Ўткир полвон" фермер хўжалиги раҳбари Арслон Асилбековга ва "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича Жиззах туманилик ҳунарманд Дилноза Туроповаларга берилди. Энди улар танловнинг мамлакат босқичида куч синашадилар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**

* * *

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.** Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш, янги ғоя ва ташаббус соҳибларини муносиб рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Вилоятда чет эл инвестициялари ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланаётган кўплаб тадбиркорлар фаолиятларини кенг қамровли йўналишларга қаратишяпти. Бугунги кунда улар томонидан тиббиёт воситалари, тери ва чармни қайта ишлаш эвазига тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Ушбу тадбир фермер, тадбиркор, қўли гул ҳунармандлар учун чин маънода ўзаро маҳорат алмашиш, бой тажриба ва истеъдодини намоён этишга яна бир имкон яратди.

Танловнинг вилоят босқичида Навоий шаҳридаги "Navoiy Fayz Mebel" ишлаб чиқариш корхонаси директори Азамат Ҳожиев "Энг яхши тадбиркор", каштадўз Албина Сумятина "Энг яхши ҳунарманд", Қизилтепа туманидаги "Истам Аслон" фермер хўжалиги раҳбари Истам Аслонов "Энг яхши фермер" деб топилди. Улар танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди.

**Абдурасул САТТОРОВ**

* * *

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида 35 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди.

Кўрик-танловнинг якунига кўра, "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" МЧЖ директори Анна Добрых, "Энг яхши фермер" йўналишида Уйчи туманидаги "Тола" фермер хўжалиги раҳбари Толибжон Мўминов, "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича Наманган шаҳридаги ҳунарманд Неъматжон Солиевлар ғолибликни қўлга киритишди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

* * *

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Ташаббус–2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда қатнашган ишбилармон, фермер ва ҳунармандлар ўзлари эришган ютуқлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ҳамда қобилият ва имкониятларини намоён этишди, ўзаро тажриба алмашишди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида тўрт юздан зиёд иштирокчилар ўз омадини синаб кўришди. Натижада элликка яқин юқори кўрсаткичларга эришган ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар танловнинг вилоят босқичида ўзаро беллашди.

Тадбиркорларнинг ўзига хос меҳнат кўргазмасига айланиб қолган тадбирда маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилган 350 турдан зиёд маҳсулот ва мингдан зиёд миллий ҳунармандчилик намуналари намойиш этилди.



*Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Танлов якунида Ургут туманидаги "Ал Назар орзу сервис" масъулияти чекланган жамияти раиси Соҳиб Акбаров "Энг яхши тадбиркор", Пастдарғом туманидаги "Қудрат замин дурдонаси" фермер хўжалиги бошлиғи Аброр Элмуродов "Энг яхши фермер", ургутлик каштадўз Мавлуда Ҳамдамова "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

* * *

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** "Ташаббус–2013" кўрик-танловининг вилоят босқичида 100 дан ошиқ фермер, тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этишди. Иштирокчилар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг харидоргирлиги, сифат жиҳатдан хорижникидан қолишмаслигини яна бир бор намойиш этдилар.

Кўрик-танловда Гулистон туманидаги "Макровит" хусусий корхонаси раҳбари Виктор Урбанович "Энг яхши тадбиркор", шу тумандаги "Орол неъматлари" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Бегматов "Энг яхши фермер", Боёвут туманилик ҳунарманд Севара Бойбўтаева "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди ва улар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

* * *

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Термиз шаҳридаги Тадбиркорлар марказида бўлиб ўтган "Ташаббус–2013" кўрик-танловининг вилоят босқичида туман-шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар беллашди. Танлов иштирокчилари ҳар бир йўналиш бўйича ўз маҳсулотлари кўргазмаларини намойиш этишди. Шундай қилиб, "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Сариосиё туманидаги "Хонжиза савдо сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдуғаффор Аҳмедов, "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича Жарқўрғон туманидаги "Искандар Исроил" фермер хўжалиги раҳбари Омон Аҳатов, "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича Сариосиё туманидан Баҳриддин Пардаевлар ғолиб деб топилди. Улар энди танловнинг мамлакат босқичига йўл олишади.

Бундан ташқари, "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа" каби 6 та таъсис этилган қўшимча номинация ғолибларига ҳам махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

* * *

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Фарғона шаҳрида Президент соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 57 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Учкўприк туманидаги "Меҳригиё" хусусий корхонаси раҳбари Маъруфжон Қодиров "Энг яхши тадбиркор", Риштон туманидаги "Шоҳ Оқ ер ҳисориси" фермер хўжалиги раҳбари Абдусаттор Темиров "Энг яхши фермер", марғилонлик Абдуҳамид Мадалиев "Энг яхши ҳунарманд" сифатида эътироф этилди.

— Узоқ йиллик изланишларимиз самараси ўлароқ, бир неча қўй зотларини чатиштириб, танлаш, саралаш, жуфтлаш йўли орқали йилнинг тўрт фаслига чидамли, тоғ шароитига тўлиқ мослашган қўй наслини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини бераётир, — дейди моҳир чорвадор Абдусаттор Темиров. — Юртимизда биз фермерлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун давлатимиз раҳбаридан ғоят миннатдормиз. Ўз ўрнида, эришаётган ютуқларимиз билан эл-юрт фаровонлигига оз бўлсада, ҳисса қўшаётганлигимиздан фахрланамиз.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ**

Сурхондарё Вилояти

▼ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

# ЁШ ФЕРМЕРЛАР ДАЛАСИДА ИШ ҚИЗҒИН

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДА БАҲОРГИ ДАЛА ЮМУШЛАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фермерлик ҳаракати изчил ривожлантирилаётгани аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.**

**Бугун касб-ҳунар коллежларини тугатиб, фермер хўжалиги ташкил этаётган йигит-қизлар сафи кенгаймоқда. Улар ғалла, пахта етиштираётир, янги боғлар барпо этмоқда, чорвачиликни кенг йўлга қўймоқда. Буни Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили Сурхон воҳасида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан 20 фермер хўжалиги ташкил этилган. Уларга бир минг 289 гектар ер майдони ажратиб берилган.

– Ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлими мудири Ўктам Холлиев. – Баҳорги дала юмушлари олдидан ёш фермерларга махсус иш кийимлари ва зарур меҳнат қуроллари етказиб берилди. Уларнинг дала ишларини тез ва сифатли амалга оширишида тажрибали мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари, тавсиялари қўл келмоқда. Бунинг натижасида майсалар баравж ривожланаётир. Пахта экиладиган майдонлар мавсумга пухта тайёрланмоқда.

Баҳорги дала юмушларини юқори савияда ташкил этаётган ёш фермерларнинг доимо янгиликка интилиши, қўшимча иш ўринлари яратиб, тенгдошларининг бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашаётгани қувонарлидир. Денов туманидаги Жартепа маҳалласида истиқомат қилаётган Маъруф Каримов ана шундай ташаббускор ёшлардан. У Самарқанд иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битириб, ўтган йили “Маъруф” фермер хўжалигини ташкил этди. Ёш фермерга 78,8 гектар ер майдони ажратиб берилди. Жорий йилда 46 гектар ерда ғалла парваришланаётир. 25 гектар майдонда пахта, қолган ерларда чорвачилик учун озуқабоп экинлар етиштирилади.

– Майсалар бир текис ривожланаётир, – дейди ёш фермер Маъруф Каримов. – Баҳорнинг дастлабки кунларидан агротехник тадбирларга эътиборни кучайтирдик. Ҳар гектар майдон учун ўртача беш тоннадан маҳаллий ўғит ғамламоқдамиз. Ғалла икки марта “шарбат” усулида суғорилди. Тажрибали ғаллакорлар маслаҳати асосида майсаларни баргидан озиқлантириб, суспензия қиляпмиз.

Ёш фермер хўжалик қошида чорвачиликни ҳам йўлга қўйди. Ўтган йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” танловида иштирок этди. Ёш фермернинг чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси танловнинг мамлакат босқичида ғолиб деб топилди ва 35 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

– Ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, уни чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирдик, – дейди Маъруф Каримов. – Ҳозир юз бошга яқин қўй ва қорамол парваришлаяпмиз. Бу ерда олти киши меҳнат қилаётир. Жорий йилда тижорат банкининг молиявий кўмаги билан хўжалик қошида замонавий тош саралаш заводи барпо этиб, қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги янги турар-жой массивлари ва бошқа буюртмачиларга қурилишбоп сифатли материал етказиб беришни мўлжалламоқдамиз. Янги корхонада 18 нафар ёшлар иш билан таъминланади.

Қумқўрғонлик Умрзоқ Абраев ўтган йили касб-ҳунар коллежини тугатиб, тумандаги Чаёнтепа маҳалласида “Камолот меваси боғи” фермер хўжалигини ташкил этди. Мевали боғ яратиш учун ёш фермерга 28,7 гектар ер ажратиб берилди.

– Айни кунларда яхши ниятлар билан 20 гектар майдонга ток кўчати экаяпмиз, – дейди ёш фермер. – Бу йил янги токзор орасида пахта етиштиришни ҳам режалаштирганмиз. Қолган майдонларда замонавий интенсив боғ барпо этмоқчимиз. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Биз, ёшларнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш, фаровон ҳаёт кечиришимиз учун яратилган шароитлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

○ **Реклама ва эълонлар**

# Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишда фаол иштирок этиб, фуқароларимиз учун қулай, жозибали ва ютуқли омонат турларини жорий қилиб келмоқда. Юртимизда Наврўз байрами арафасида байрам туҳфаси сифатида банкда жорий қилинган “Омад” ютуқли омонат тури бўйича 2013 йил 16 март куни ютуқлар тиражи ўтказилди. Тираж натижаларига кўра, омадли омонатчиларимиз 2 миллион сўмгача бўлган ютуқ эгалари бўлишди.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” барча ютуқ эгаларини, мижозларини ҳамда юртдошларимизни Наврўзи олам билан муборакбод этади.

## ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШБАНК»ДА 2013 ЙИЛ 16 МАРТ КУНИ «ОМАД» ЮТУҚЛИ ОМОНАТ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН 2-ТИРАЖ НАТИЖАЛАРИ

| Т/Р | Ютуқ эгаси коди | Ютуқ суммаси сўмда | Филиал номи | Т/Р | Ютуқ эгаси коди | Ютуқ суммаси сўмда | Филиал номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 097 | 200 000 | Сурхондарё минт. фил. | 24 | 578 | 200 000 | Самарқанд минт. фил. |
| 2 | 218 | 100 000 | Самарқанд мин. фил. | 25 | 602 | 50 000 | Янгиер филиали |
| 3 | 597 | 100 000 | Шўрчи филиали | 26 | 013 | 200 000 | Қашқадарё минт. фил. |
| 4 | 024 | 50 000 | Янгиер филиали | 27 | 530 | 200 000 | Қашқадарё минт. фил. |
| 5 | 078 | 100 000 | Қашқадарё мин. фил. | 28 | 600 | 50 000 | Самарқанд минт. фил. |
| 6 | 116 | 50 000 | Поп филиали | 29 | 108 | 500 000 | Бухоро минт. фил. |
| 7 | 428 | 50 000 | Тошкент вил. фил. | 30 | 191 | 100 000 | Самарқанд минт. фил. |
| 8 | 414 | 100 000 | Тошкент вил. фил. | 31 | 603 | 50 000 | Каттақўрғон филиали |
| 9 | 189 | 100 000 | Самарқанд мин. фил. | 32 | 297 | 500 000 | Навоий филиали |
| 10 | 549 | 2 000 000 | Бухоро мин. фил. | 33 | 601 | 100 000 | Тошкент шаҳар фил. |
| 11 | 556 | 1 000 000 | Навоий мин. фил. | 34 | 114 | 500 000 | Хўжабод филиали |
| 12 | 604 | 100 000 | Қашқадарё минт. фил. | 35 | 053 | 100 000 | Навоий минт. фил. |
| 13 | 173 | 500 000 | Самарқанд минт. фил. | 36 | 435 | 100 000 | Оҳангарон филиали |
| 14 | 501 | 100 000 | Марғилон филиали | 37 | 445 | 200 000 | Каттақўрғон фил |
| 15 | 509 | 50 000 | Қашқадарё минт. фил. | 38 | 412 | 200 000 | Навоий минт. фил. |
| 16 | 472 | 500 000 | Навоий минт. фил. | 39 | 550 | 200 000 | Тошкент шаҳар фил. |
| 17 | 057 | 500 000 | Тошкент вил. фил. | 40 | 212 | 50 000 | Бекобод филиали |
| 18 | 381 | 500 000 | Галаосиё филиали | 41 | 520 | 500 000 | Навоий филиали |
| 19 | 206 | 100 000 | Хива филиали | 42 | 391 | 200 000 | Хива филиали |
| 20 | 326 | 50 000 | Хива филиали | 43 | 171 | 1 000 000 | Қашқадарё минт. фил. |
| 21 | 302 | 100 000 | Самарқанд минт. фил. | 44 | 429 | 50 000 | Қашқадарё минт. фил. |
| 22 | 347 | 200 000 | Марғилон филиали | 45 | 374 | 100 000 | Марғилон филиали |
| 23 | 500 | 200 000 | Бекобод филиали | 46 | 137 | 100 000 | Навоий минт. фил. |

*Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!*

*Хизматлар лицензияланган.*

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХК ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳлини яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди. Табиат уйғониб, ўзининг гўзаллигини намоён этаётган шодиёна кунларда барчага баҳорий кайфият, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.*

АГРОМАШ

«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ томонидан ғилдиракли универсал ҳайдов тракторларининг қуйидаги такомиллашган моделлари етказиб берилаётганлиги маълум қилинади:



двигатели газ асосида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
двигатели дизель ёнилғисида ишловчи
«Агромаш-85ТК» (85 от кучига эга);
«Агромаш-60ТК» (60 от кучига эга).



Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1-уй. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004188-07, 29.11.2012 й.) рўйхатга олинган “JAXON FOZIL INVEST” (СТИР 302430247) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 19.03.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 119-21-86 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. БТИ томонидан Яланғоч мавзеси 82-уй 37-хонадон манзилидаги уй учун Сайдахмедов Абдулазиз Абдисаломович номига берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный угловой штамп ТЧСЖ “UNUMLI MEHNAT” (ИНН 203702123), выданный хокимиятом Сергелийского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Утерянный диплом В № 210568, выданный в 2006 г. Ташкентским Институтом Ирригации и мелиорации на имя Богдашкина Владимира Витальевича, считать недействительным.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 5 апрель куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида такроран ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Учқўрғон тумани судининг 20.03.2012 йилдаги 1751-сонли ижро варақасига асосан Норин тумани СИБ томонидан хатланган, “Одина Ҳакима Жасур” х/ф да сақланаётган, 1980 й. и/ч “Москвич М-412” русумли, д/р 16 А 8563, бошланғич баҳоси 666 900 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Наманган шаҳар Банк кўчаси 9 уйнинг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини “Universal Auktsion Invest” МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Қўшимча маълумот учун манзил:** 160100, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй 1-қават 15-хона. Тел/факс: (8 369) 226-41-66, E-mail: 1nrs@mail.ru.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли карорига асосан Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 116-уйда жойлашган Жиззах вилояти Давлат Солиқ бошқармасига қарашли 1994 й. и/ч “Раф-2203802” русумли, д/р 25 321 ААА, бошланғич баҳоси 1 988 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси (техник носоз) савдога қўйилмоқда.

Ушбу мулк билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 23 апрель кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 30 апрель, 7 ҳамда 14 май ва ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шоҳ кўчаси “Jahon” савдо уйида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг, ҳар бир мулк учун алоҳида, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion invest” МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Жиззах бўлимидаги МФО: 00122, ИНН: 302083379, 22626000304932168001 ҳисобрақамига тўлашлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Қўшимча маълумот олиш манзили:** Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, “Jahon” савдо уйи. Телефон: (99891) 941-68-07.

***Гувоҳнома: 004059***

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимининг 20.02.2013 йил кунги №334-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Спорт зал, савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Ғаниобод ҚФЙ Пастки Қўриқ қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 852 264 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 1 йил.

**2.** Спорт комплекси қуриш учун Ўзбекистон тумани Овчи ҚФЙ Овчи қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 2 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 065 330 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 1 йил.

**3.** Гипс ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Ўзбекистон тумани Шўрсув ШФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 3 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 491 462 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

**4.** Савдо дўкони ва чойхона биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар М.Яйпоний кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 170 453 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

**5.** Ошхона биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар А.Навоий кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 28 701 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

**6.** Савдо дўкони биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Қизил Қақир ҚФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 50 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 350 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ўзбекистон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 22 апрель куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Ўзбекистон тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 23 апрель куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 20208000004920609011 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

## «TURKISTAN REALTOR GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 18 март кунги 36/п-сонли аукцион савдосига қайта чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Қанликўл тумани ҳокимининг 2013 йил 14 январь кунги 14/1-16/1-сонли қарорларига асосан Қанликўл туманидан 2 (икки) дона ер участкалари аукцион савдосига қўйилади:**

- Ўзбекистоннинг 10 йиллиги кўчасидан майдони 400 кв. м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №4 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 60 000 сўм.

- Темир йўлчилар кўчасидан майдони 400 кв. м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №4 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 60 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 20 апрель куни соат 12:00 да Қанликўл тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади. Мазкур ер участкалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги 2013 йил 20 май, 19 июнь, 19 июль, 19 август, 18 сентябрь, 18 октябрь, 18 ноябрь ва 18 декабрь кунлари ўтказиладиган савдога қўйилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача Қанликўл тумани ҳокимияти биносида қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг ер участкаси бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда “Turkistan realtor group” МЧЖ ОАЖ “Асака банк” Қорақалпоғистон филиали ҳ/р: 20208000904946163001, МФО: 00625, ИНН: 302148414, закалат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-80.

## XALQ BANKI

### Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини **НАВРЎЗ** байрами билан сидқидилдан муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда хонадонларингизга бахт, дастурхонингизга тўкин-сочинлик ва оилангизга фаровонлик тилайди.

Диёримиз осмони мусаффо, халқимиз ҳаёти обод бўлсин!



## «ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни, гўзал Ўзбекистонимизга ташриф буюрган қадрли меҳмонларни, халқимиз дастурхонини сифатли ёғ маҳсулотлари билан таъминлаётган ҳамкасбларини Наврўз байрами билан муборакбод этади.*



*Аллоҳ назари тушган юртимиздан тўкинлик, фаровонлик, қут-барака асло аримасин. Байрамлар байрамларга уланиб, шоду хуррамлик, эзгу ниятлар доимо сизу бизга ҳамроҳ бўлсин!*

*Улус чеҳраи олам аффўзидин,*
*Билур йил келишин Наврўзидин.*

## «НАВОИЙ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни фасллар келинчаги Баҳор айёми – Наврўз байрами билан қутлайди. Замонавий технологиялар асосида донни қайта ишлаб, халқимиз дастурхони тўкин-сочинлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётганидан ғоят бахтиёр эканликларини изҳор этади. Буғдой — тўкин-сочинлик, қут-барака, фаровонлик манбаи. Буни корхона жамоаси чуқур ҳис қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида бор куч-ғайратларини ишга солиб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилишдан асло толмайди. Омборларимиз доимо донга, дастурхонларимиз Она заминимизда етиштирилган буғдой унидан тайёрланган ширмой нонларга тўла бўлишини тилаб қолади.

*Ғалламиз тоғ билан бўйлашар бугун,*
*Ёғар эл бошига бошоқлардан бахт.*
*Сиз боис юрт тўкин, ризқимиз бутун,*
*Эй, асл деҳқонлар, Сизга минг раҳмат!*



**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 236-56-25, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** Ш.ЙЎЛДОШЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-314, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.35
26101 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5